


Навой вилояти Халқ таълими бошқармаси  
Ахборот-ресурс маркази  
Илмий услибият бўлими



# "Сўз санъатининг гул тожи"

(Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги (1441-1501)  
муносабати билан услубий қўлланма)

Навой 2016 йил

Илмий услубиёт бўлими томонидан тайёрланди

Тўпловчи

Н. Сувонова

## **Хурматли фойдаланувчилар!**

Буюк мутафаккир шоиримиз, сўз мамлакатининг султони бўлган Алишер Навоийнинг адабий мероси, илмий, тарихий-маърифий асарлари жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридандир. Барча туркий халқларнинг ифтихори бўлган бу улуғ инсоннинг бебаҳо меросини билиш, ўзлигимизни англаш ва жамиятимизга муносиб билим, тафаккур ҳамда юксак маданият соҳиблари бўлиб етишишда кенг фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқоролик бурчимиздир.

Ушбу тайёрланган услубий қўлланма барча ёшдаги ва турли тоифадаги кенг китобхонлар, таълим муассасаси ходимлари ҳамда ўқувчи ёшлар учун мўлжалланган.

Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси  
Ахборот-ресурс маркази услубий кенгаши  
томонидан 05.02. 2016 йил 3 сонли  
қарори билан тасдиқланган.

## Буюк зотга эҳтиром

Алишер Навоий ҳалқимизнинг онги ва тафакқури, баддий маданияти тарихида бутун бир даврни ташқил этадиган буюқ шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз номоёндаси, миллатимизнинг гурури, шаън-у шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъатқоридир. Шаъбир ҳоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни суймаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюқ гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласақ, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафқура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Агар бу зотни авлиё десақ, у авлиёларнинг авлиёси, мутафакқир десақ, мутафакқирларнинг мутафакқури, шоир десақ, шоирларнинг султонидир.

Ислом Қаримов.

## *Мўъжизакор ижод намунаси.*

*Барча олижаноб ишларимизда  
Навоий зоялари, Навоий ибрати,  
Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ  
бўлсин!*

*И. Каримов*

Дунёда шундай улуғ зотлар, шоир ва мутафаккирлар борки, уларнинг улкан қалб, теран тафаккур, беқиёс истеъдод ва маҳорат, тенгсиз жасорат билан яратилган асарларининг аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин ортиб, умумбашарият мулкига айланиб боради. Бамисоли вақт деган кудратли ҳакам ҳам бундай буюк шахсларнинг измига буйсунгандек, уларнинг қолдирган мероси нақадар бебаҳо, ҳаққоний ва ҳаётий эканини исботлаб, мўъжизакор ижод намунасини кўҳна тарих ибратига, бугунги кун ва келажак идеалига айлантиришга хизмат қилади.

Жаҳон маданияти тарихидан маълумки, мумтоз зотларни тарбиялаб вояга етказган ҳар қайси халқ ва миллат ўз қалби ва юрагини, юксак ақл-заковати ва маънавий салоҳиятини, асрий орзу-армонлари, эзгу интилишларини айнан ана шундай фарзандлари орқали намоён этади. Шу билан бирга, ер юзида тинчлик, адолат, дўстлик, меҳр-оқибат каби азалий қадриятлар доимо барқарор бўлиши, обод ва фаравон ҳаёт тантана қилиш учун тарих ва келажак олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини ҳам аввало маърифатли ва бунёдкор халқгина чуқур ҳис қилади.

Муқаддас диёримиз заминидан етишиб чиққан ўнлаб азиз-авлиёлар, улуғ аллома ва шоирлар, давлат арбоблари ва саркардаларнинг ҳар бири ўз фаолияти, бетакрор мероси билан миллий ва умуминсоний мезонлар силсиласида ҳеч муболағасиз ҳодиса-феномен ҳисобланади. Айни вақтда бу беназир зотлар ўртасида, гўёки юлдузлар анжуманидаги куёшдек, яққол ажралиб турадиган шундай бир буюк сиймо борки, у-миллий шеърятимиз, адабиётимиз даҳоси Мир Алишер Навоийдир.

Бу ҳақда сўз борганда аввало муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мумтоз шоир бобомизнинг беҳисоб гўзал инсоний фазилатларини мужассам этган машҳур тарифини эслаб, жаҳон миқёсидаги шахс, юксак гиманистик ижоди билан шеърят мулкининг султони мақомига кўтарилган бебаҳо истеъдод эгаси бўлмиш зотлар дунё маданияти тарихида камдан-кам учраши ҳақиқатдир.

Алишер Навоийнинг уммондек теран, камалакдек ранг-баранг асарларида, унинг нодир шахсияти тимсолида “Ҳаётнинг маъноси нима, комил инсон қандай бўлиши керак?” деган азалий саволга кенг миқийсидаги фалсафий жавоб ўзининг мужассам ифодасини топган.

## Ҳаёти ва ижоди

Асл исми Низомиддин Мир Алишер. У 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилиб, шу ерда умрининг асосий қисмини ўтказган. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир Темурийлар хонадонига яқин бўлган. Шеър завқи ва истеъдоди эрта уйғонган. Болаликдаёқ Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарини ёд олган, Шарафиддин Али Яздий назарига тушган, Мавлоно Лутфий ёш шоир истеъдодига юқори баҳо берган, Камол Турбатий эътирофини қозонган. Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтиргач (1469), Навоий ҳаёти ва ижодида янги босқич бошланади, муҳрдорлик (1469) мансабига, вазирлик (1472) ва Астробод ҳокимлигига (1487) тайинланади. 1480-1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 та работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 9 та хаммом, 9 та кўприк, 20 та ховуз қурдиради. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган унвонни беради. Унга кўра Навоий давлатнинг барча ишларига аралаша оларди.

Навоий ижоди ихлосмандлари унинг шеърларини йиғиб, “Илк девон” (1464-65) тузган эдилар, сўнгра “Бадойиул-бидоя” (“Гўзалликнинг бошланиши”), “Наводирун-ниҳоя” (“Нодирликлар ниҳояси”) номли девонлар (1470-йиллар) тартиб берилган. Лирик мероси умумий ҳажми 50000 мисрадан ортиқ “Ҳазойинул-маоний” номли тўрт девонга (1491-1498) жамланган. Навоий шеърятининг мавзулар доираси кенг, жанрлар кўлами (16) хилма-хил. Ғазаллари “ошиқона, орифона, риндона” (Шайхзода) сифатлар билан ўрганилади. Ғазалларида инсоний муҳаббат, илоҳий ишқ билан уйғун ҳолда улуғланиб, “мажоз - ҳақиқат кўприги” ақидасига амал қилинган. Алишер Навоий шеърятдаги зоҳирий маъно янгиликлари билан бирга ботиний сифатларни ҳам ўргангандагина уларни идрок этишга эришиш мумкин. “Назмул-жавоҳир” (1485) Ҳазрат Алининг “Насруллаолий” асарининг туркий назмга солингани бўлиб, 266 рубоийдан иборат бу асарда ахлоқий-таълимий қарашлар ўз аксини топган.

Алишер Навоий ижодининг юксак чўққиси “Хамса” асаридир (1483-85), шоир биринчилардан бўлиб, туркий тилда тўлиқ “Хамса” яратди ва туркий тилда шундай кўламдор асар ёзиш мумкинлигини исботлаб берди. “Хамса” таркибига “Ҳайратул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” каби дostonлар киради.

Навоийнинг тасаввуфий қарашлари деярли барча асарларининг руҳига сингган бўлса-да, махсус “Лисонут-тайр” достонида (1499) “Насойимул-муҳаббат” манқабаси”да (1495-96), “Тарихи анбиё ва ҳукамо”(1485) “Арбаин”, “Муножот” сингари асарларида акс этган. Алишер Навоийнинг яратган асарларининг ўзига хослиги миллат тақдири, бирлиги эл-юрт қайғуси, юртни ободонлаштириш, илм, санъат ва адабиётни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, гўзаллик ва муҳаббат, меҳр ва мурувват, шахс эркинлиги, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари билан йўғрилганлигидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислom Каримов: “Инсонни олам гултожи, деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган катъий ишонч мужассам”, деб бежиз айтмаганлар.

Ҳақиқатдан ҳам, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси. У XV аср ўзбек мумтоз адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймодир.

## Ҳаёт қомуси

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса! Дарҳақиқат, ҳеч нарса Навоийнинг теран нигоҳидан четда қолмаган. Айтайлик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

*Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмни қил садқа ано бошига.  
Тун-кунингга айлагали нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

*Мазмуни:* “Отангинг қошига бошингни фидо, онангинг қошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган куёш деб бил”. Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстониدير. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиятингизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган донишманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши –ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун “ўру қир”ини обдон кузатган, ва табиат ва жамият ходисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни ақл тарозисида ўлчаб, кўнгил дафтарига киритган.

Шоир ҳикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, тобора ортиб бораверади.

*Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,  
Элга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузиб.*

## **Сараланган сатрлар**

Ривоят қилишларича, Аллоҳ таоло инсонни лойдан ясаб, мусиқа ёрдамида унга жон киритган экан. Бинобарин, куй-қўшиққа муҳаббат инсоннинг зуваласига қўшиб қорилган. Шундан санъатни муайян даражада севмайдиган, қўшиққа бефарқ одам йўқ деса бўлади. Қомусий аллома бўлган Навоийнинг ҳам мусиқа илмидан яхшигина хабари бор эди. Етти-саккиз ёшларидан мусиқа билан шуғулланган ўз даврининг машҳур мусиқашуносидан таҳсил олиб, бу илмни чуқур ўзлаштирган шоирнинг ўзи ҳам бир қатор куйлар яратгани ҳақида Бобур ҳам хабар беради.

Навоий асарларини ўқиб тушуниш ҳозирги ўқувчи учун осон эмас. Ўтган беш асрдан ортиқ вақт мобайнида тилимиз катта ўзгаришларга учраган. Бугунги тилимизда русча-европача сўзлар кўп бўлгани каби, ўтмишда арабча-форсча сўз ва иборалар кўп эди. Шунини ҳисобга олиб, шоир шеърлари мутолаасини осонлаштириш мақсадида кўплаб қадим туркий, форсий ва арабий сўзларга изоҳ берилган. Ҳазалларни

номлашда эса тўққиз жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси” ва бошқа мусиқа китобларга асосланган. Бир неча ном билан бир неча куйда ижро этилган ғазалларни улардан бири билан номлаб, бошқасини матн ости ҳаволасида кўрсатиб борилган. Бунда, албатта, икки ғазалнинг бир ном билан аталмаслигини ҳисобга олдик. Айтайлик, “Ушшоқ” ашуласи деганда биз кўпроқ “Қаро кўзим”ни кўз олдимига келтирамиз. Холбуки, “Ғаминг ўқиқи...” деб бошланадиган ғазал ҳам шу куй билан ижро этилади. Лекин у “Ҳожиниёз” ва “Нишона” номлари билан ҳам куйланади. Шунинг учун биз “Қаро кўзим”ни “Ушшоқ”, кейингисини “Ҳожиниёз-Г” деб номланган.

Алишер Навоий бастакор, хонанда ва созандаларни тарбиялаб етиштиришга ҳам катта ғамхўрлик қилган. Навоийнинг уч, тўрт ёки беш байтли ғазали йўқ. Ўзи айтганидек, у асосан, 7, 9 ва 11 байтли ғазаллар ёзган. Халқимизнинг мумтоз ашулаларига муҳаббати ҳамиша баланд бўлиб келган. Ҳатто кўшиқ мафкуралаштирилган, замонавий кўшиқчиликка зўр бериб қўллаб-қувватланган шўро даврида ҳам мумтоз кўшиқлар янграшдан сира тўхтамаган. Мустақиллик даврида эса кўплаб муқаддас қадриятлар каби мумтоз кўшиқчиликка ҳам кенг йўл очилди. Ҳозир мумтоз ашулаларга мурожаат қилмаган санъаткорни топиш қийин. Мумтоз кўшиқларни замонавий усулда, ҳатто эстрада йўналишида куйлашмоқда. Шу жиҳатдан, Алишер Навоий шеърлари билан айтилган ашулалар матнининг мазкур мажмуа мисолида бир ерда жамланиши кўшиқ мухлисларигагина эмас, маданият ва санъат аҳлига-бастакор, ҳофиз ва хонандаларимизга ҳам ажойиб тухфа бўлади.

### *Кўшиқлар*

## **К ў р м а д и м**

Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим?  
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға  
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим?!

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошқим,  
Ҳар вафога юз жафо анинг жазосин кўрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға  
Ғайр сари хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим?!

Кимга солдим кўз қарою оқини ишқ ичраким,  
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ-  
Ким, мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида-  
Ким, бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

## **Ўн сакиз ёшиндадур**

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барча Эзид таоло-сунъ наққошиндадир.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнгилдин,  
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,  
Булъажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашқ,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

## Ҳ а н у з

Халқ билур ошиқлиғимни, ёр билмайдур ҳануз,  
Ишқ ўти, ё Раб, анга ҳеч кор қилмайдур ҳануз.

Қайға борсам ахтариб ёримни топғайман дебон,  
Бул менинг шум толеъимға ёр келмайдур ҳануз.

Ҳар киши кўрса мени, раҳми келиб найлар мудом,  
Йиғлаб айтсам, бевафонинг раҳми келмайдур ҳануз.

Эй Навоий, айб эмас қўйида ўлсам ёрнинг,  
Кўйида ўлсанг, анинг парвойи келмайдур ҳануз.

### **“ОЛИС ЮЛДУЗ ШУЪЛА ТАРАТАР”** *мавзусида тадбир сценарийси*

Саҳнага икки бошловчи чиқади.

**1-бошловчи:** Ассалому алайкум Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони - Мир Алишер Навоий таваллуди тантанасига йиғилган азиз меҳмонлар.

**2-бошловчи:** “Даврон элининг жисмида жон бўлғон” мўътабар устозлар, ассалому алайкум!

**1-бошловчи:** Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуғ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

**2-бошловчи:** Камол эт касбким олам уйидин,  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чикмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних,  
Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ.

*(бошловчилар чиқиб кетадилар)*

*(Саҳнага 3 ўқувчи ҳамда Навоий сиймоси (Навоий қёфасидаги ўқувчи чиқади)*

**1-ўқувчи:** Азиз бобожон! Сиз бетакрор ва боқий сиймосиз. Сиз яратган асарлар самодек тиниқ, тонгдек шаффоф, мусиқий оҳанглар

билан йўғрилган. Асарларингизни ўқир эканмиз, ҳар бир сатрингиздан ўз халқингизга, инсониятга чексиз меҳрингиз, у билан бир жон, бир тан эканингизни англаш қийин эмас.

*Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.*

**2-ўқувчи:** Азиз бобожон! Сиз жозибадор байтларингиз билан инсониятга сўзнинг сеҳрини, ҳаётнинг маъносини, саодатнинг эшигини очиб бераётгандексиз. Бу гулшанда саодатнинг калити одамларга яхшилик қилишда эканлигини англадингиз.

*Бу гулшан ичра йўқтир бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от.*

**3-ўқувчи:** Улуғ устоз! Сиз ғазал мулкининг султонисиз. Сиз бир умр:  
*Одамий эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ гамидин гами,-*  
деган шиорингизга содиқ қолдингиз.  
*(ўқувчилар чиқиб кетадилар)*

**Овоз:**

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,  
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.  
Асрлар қаъридан боқиб турибди,  
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.  
Шу буюк ўғлингизни ардоқлаб дилдан,  
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.  
Унинг номи билан бирга битилган  
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

**Мумтоз куй чалинади. Навоий ўз ижодхонасида...**

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқдимۇ чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.

*(аста-секин Навоий сиймоси саҳнадан чекиниб, куй қўшиқ ва рақсга уланади. (Муножот).*

**1-бошловчи:** Навоий 60 йиллик умри давомида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини, инсон туйғуларини, унинг камолини, ўз орзу-тилакларини бой адабий илмий меросида акс эттирди.

**2-бошловчи:** Навоийнинг мана шу бой бадиий, ижодий даҳоси ўз давридан бошлаб адабий ҳаётимизда алоҳида бир мактаб бўлиб келди.

**1-бошловчи:** Навоийга бағишланган бугунги тадбирни рамзий маънода тўрт фаслга бўламиз. Зеро, Навоий “Хазойин ул-маоний”да айтганидек, “Умр фусулининг навбаҳори”га сайр этсак.

Ёш Алишер болалигиданоқ ўзининг ўткир зеҳни, зийраклиги ва хушхулқи билан барчани ҳайратга солган. У уч-тўрт ёшидаёқ шеърятга меҳр қўяди, тўрт-беш ёшида Қосим Анвор ғазалларини ёд

билади, мактаб ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини тўлиқ ёдлайди.

*Саҳна кўриниши. Ёш Алишернинг Тафт шаҳрида Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви.*

**2-бошловчи:** Навоий ўз умрининг иккинчи даврини “Йигитлик нодирликлари” деб атади. У етти-саккиз ёшларида ғазаллар битган бўлса, ўн икки-ўн уч ёшларида мамлакат бўйлаб шуҳрат таратади, эл эътиборини қозонади. Навоий йигитлик йилларида ўзи севган шоирларнинг “ширин ашъори ва рангин абиётидин” эллик мингдан ортиқ байтни ёд билган. Азиз қатнашчилар, Сизни Навоий умрининг шу фаслига чорлаймиз.

*Навоий (Навоий қиёфасидаги ўқувчи) ўз ғазалларидан бирини ўқийди.*

*(Икки ўқувчи Навоийнинг “Қаро кўзим” ҳамда “Топмадим” радифли ғазалларини ёд айтадилар. Куй чалиниб туради).*

**1-бошловчи:** “Фусулнинг хазони, тириклик боғининг баргрезининг нишони” бўлгон фасл. Алишер Навоий умрининг бу даврида мамлакатда “Амири кабир” – (Улуғ вазир) сифатида ўзининг олижаноб ва энг юксак орзулари – халққа хизмат қилиш, мамлакат осойишталигини сақлаш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, илм-фан ва адабиёт, ободончилик ва маданиятни ривожлантиришдек улкан ишлар қанчалик оғир ва масъулиятли бўлмасин, уларни катта меҳр-муҳаббат ва улуғворлик билан амалга оширди. Шу билан бирга, бир лаҳза ҳам ижоддан тўхтамади.

**2-бошловчи:** *Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ.*

**1-бошловчи:** *Керак шер олдида шер жанги,  
Гар шер ўлмаса бори паланги.*

*(Шу ўринда оўқувчилар ижросида “Хамса”дан парчалар ва Навоий газали билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилади)*

**2-бошловчи:** Буюк “Хамса”ни яратиб, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Жомийга ҳамқадам бўлиб, буюклар қаторидан жой олган ҳазрат Навоий ўз олдига қўйган мақсадини шараф билан адо этди.

**1-бошловчи:** Замонининг аллома шоири, устози Жомийнинг юксак баҳосига мушарраф бўлди. Ҳусайн Бойқаро эса “Бу қаламга фалақдин офаринлар ёғилсин” дея ният билдирди.

**2-бошловчи:** Тўртинчи фасл – “Умр фусулининг қиши”. Навоий ишқ дарди ва ранжининг умр охирида кўрсатган натижаларию жонни ўртовчи кечинмаларини “Фавойид-ул кибар”да жамлаган.

*(Тадбирда Навоий газал ва рубоийлари бўйича мушоира ўтказишни ҳам тавсия қиламиз. Мумтоз муסיқа чалиниб туради).*

**1-бошловчи:** Алишер Навоий ҳақида шоирнинг дўсти, маслакдоши Ҳусайн Бойқаро ўз “Рисола”сида дейди *(сахнага Ҳусайн Бойқаро кириб келади)*: “Мир Алишер турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ нафаси билан руҳ-жон киргизди... У ҳар бир шеър тури майдонига топқир отини сурар экан, ўша мамлакатни тил қиличи билан ўзига тобеъ этди. Унинг назмини мақташга тил нуқсонли ва қалам ожиздир ва бу кун назм дунёсининг рубои маскунида қахрамон удур ва уни бу мамлакатни қўлга киритган соҳибқирон деса бўлади”.

**Адабиётшунос:** Олис юлдузларнинг нури улар соғинганидан кейин ҳам минг-минг йиллар мобайнида она-Еримизга ёғилиб турар экан.

Мир Алишер ўз давридаёқ буюк даҳолар сафидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзбек номини жаҳонга машҳур қилиб, она халқимиз тимсолига айланди, унинг уммон қадар бепоён ижодидан ҳар ким ўз истеъдодига яраша баҳраманд бўлади. Зеро, Навоийнинг ҳар байти ҳикматли бир китоб.

Биз шундай улуг мутафаккир шоиримиз борлигидан фахрланамиз, ифтихор қиламиз. Бугунги тадбиримиз Навоийга, шеърият даҳосига бўлган эҳтиромимизнинг бир кўринишидир. Барчамизга, адабиёт аҳлларига шеърият байрами муборак бўлсин.

*Бирин-кетин ўтиб борар асрларнинг карвонлари.  
Оҳ, нечоғлик хатарлидир унинг ошар довонлари.  
Инсон зоти муродига азал-абад етар эди.  
Ушалса гар умидвор зот Навоийнинг армонлари,  
Фурсат келди дўсту ганим кимлигини билай бу кун.  
Жами башар фарзандига саодатлар тилай бу кун,  
Кўкка боқиб саҳар чоғи илтижолар қилай бу кун,  
Нурга тўлсин азиз бобом, Навоийнинг маконлари.*

Шунинг билан Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир ўз ниҳоясига етди. Доимо соғ бўлинглар.

## **Б и л а с и з м и ?**

- Алишер Навоий 10 ёшдан бошлаб шеър ёза бошлаган. 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган.
- 1469 йил 14 апрель куни Алишер Навоий муҳрдорлик вазифасига тайинланган.
- 1472 йил февраль ойида Алишер Навоий бош вазир лавозимида кўтарилади.
- Алишер Навоийнинг 1470 йилларнинг охирида ўзбек тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони -“Бадоеъ ул-бидоя” ўз ичига 777 ғазални, 85 рубоийни, 52 муаммони, 46 қитъани, 53 фардни, 10 туюқни, 10 луғзни, 3 мустазод, 5 мухаммас, 4 таржиъбанд, 2 мусаддасни қамраб олган.
- Навоий ҳаёти давомида ўз маблағлари ҳисобидан 16 масжид, 11 хонақоҳ, 50 дан ортиқ работ, 18 ҳовуз, 16 кўприк ва тўғон, 9 ҳаммом бунёд эттирган.

## Умрни ғанимат бил

*Кўп демак-сўзга мағрурлуқ, кўп емак-нафсга маъмурлуқ.*

*Ҳилмни (камтарлик ва юмиоқликни) ҳаводис (ҳодисалар) дарёсида кишилиқ кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбатан қилса бўлур.*

*Ҳар кимки, биров била ёрдур ёки ёрлиг даъвийси бордур, керакким, ўзига раво тутмогонни ёрига раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса.*

*Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур. Аммо ҳар бири ўз маҳалида хўбдур.*

*Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз.*

*Чин сўз-мўътабар, яхши сўз-мухтасар.*

*Хирадманд улдурким, ёлгон демас, аммо барча чин дегулик ҳам эмас.*

*Эр кишига зебу зийнат-ҳикмату донишдир.*

*Умрни ғанимат бил, сиҳҳат ва амниятга шукр қил.*

*Яхши киймак бирла хотинларга оройишдур.*

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.** Ҳикматлар А. Навоий. Э. Очиллов/ Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013.-256 б.
- 2.** Ғазал гулзорларидан 100 оташ гул. А. Навоий; масъул муҳаррир В.Раҳмонов; насрий баён муаллифи А. Ҳожиаҳмедов.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -204 б.
- 3.** Алишер Навоий Тўла асарлар тўплами. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент-2013.
- 4.** Интернет тармоғидан олинган маълумотлар.